

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019. Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАФИЕВ ТУРСУН РУСТАМОВИЧ

ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ АТМОСФЕРАДА КЎЧИШИ ВА
ДИФФУЗИЯ ЖАРАЁНИНИ МОНИТОРИНГ ВА БАШОРАТЛАШ
УЧУН ЧИЗИҚСИЗ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРНИ, ҲИСОБЛАШ
АЛГОРИТМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро– 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Шафиев Турсун Рустамович

Зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузия
жараёнини мониторинг ва башоратлаш учун чизиқсиз математик
моделларни, ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш 3

Шафиев Турсун Рустамович

Разработка нелинейных математических моделей, вычислительных
алгоритмов для мониторинга и прогнозирования процесса переноса и
диффузии в атмосфере 21

Shafiev Tursun Rustamovich

Development of nonlinear mathematical models, computational algorithms
for monitoring and forecasting the transport and diffusion processes
in the atmosphere 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАФИЕВ ТУРСУН РУСТАМОВИЧ

**ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ АТМОСФЕРАДА КЎЧИШИ ВА
ДИФФУЗИЯ ЖАРАЁНИНИ МОНИТОРИНГ ВА БАШОРАТЛАШ
УЧУН ЧИЗИҚСИЗ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРНИ, ҲИСОБЛАШ
АЛГОРИТМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Равшанов Нормаммад
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Садуллаева Шахло Азимбаевна
техника фанлари доктори, доцент

Турғунов Абдоржон Махаматсолиевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» ИЮН соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz Тошкент ахборот технологиялари университети).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (206 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» ИЮН куни тарқатилди.
(2021 йил «10» ИЮН даги 17 рақамли реестр баённомаси)



R. X. Hamdamov

Р.Х. Ҳамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори, профессор

F. M. Nuraliyev

Ф.М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлар доктори, доцент

S. A. Sadullayeva

Ш.А. Садуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
физика-математика фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда атроф-муҳитни антропоген чиқиндиларнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш бўйича қарорлар қабул қилишни қўллаб қувватлашга йўналтирилган математик моделлар, самарали сонли алгоритмлар ва дастурий мажмуалар ишлаб чиқиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Саноат ҳудудлари атмосферасида зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини мониторинг қилиш, қаралаётган ҳудуднинг ифлосланиш фон даражаси, об-ҳаво ва иқлимий шароитлари ҳамда орографик характеристикаларини ҳисобга олган ҳолда атмосфера ҳавосида зарарли моддалар концентрациясининг тарқалишини баҳолаш ва башоратлаш масалалари назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, дунёнинг саноати ривожланган АҚШ, Германия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларида атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини мониторинг қилиш ва башоратлаш муаммолари доимий равишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий мактаблари зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнлари қонуниятларини тадқиқ қилиш учун математик моделлар ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш соҳасида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ушбу тадқиқот ишларида жараёнга таъсир этувчи асосий омиллар, хусусан ҳаво оқимининг тезлиги, атроф-муҳит ҳарорати, заррачаларнинг физик-механик хусусиятларини инобатга олган ҳолда кўчиш тезликлари, шамол таъсирида тупроқ эрозияси, қаралаётган ҳудуднинг об-ҳаво ва иқлим шароитлари каби омилларнинг таъсири ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида атмосферанинг табиий ҳамда антропоген манбалар томонидан ифлосланиши оқибатида мавжуд экотизимларнинг экологик мувозанати бузилишини олдини олиш бўйича кенг қўламли чоратадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, ... атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш, ... ҳудудларда юзага келган экологик муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан механизмларини яратиш, ... табиий, техноген ва экологик характердаги фавқулодда вазиятлар эҳтимолини мониторинг ва прогнозлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш»¹ каби вазифаларнинг қўйилиши, давлатимиз томонидан экология ва атроф-муҳит ҳимоясига муҳим эътибор қаратилганидан далолат беради. Бугунги кунда юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш учун зарарли моддаларнинг тарқалишида жараёнга таъсир этувчи турли омилларни инобатга олган ҳолда ифодаланувчи адекват математик моделлар, экологик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ – 4947 – сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

юкламани баҳолаш ва башорат қилишнинг самарали ҳисоблаш алгоритмлари, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашувчи автоматлаштирилган тизимларсиз тасуввур қилиб бўлмайди.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ–5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 10 октябрдаги ПК–3956-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 ноябрдаги 958-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа ушбу соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Атмосферанинг чегара қатламида зарарли моддаларнинг қисқа ва узоқ масофаларга кўчиши жараёнини математик моделлаштириш методологиясининг фундаментал жиҳатлари L.Thaning, E.Naslund, W.J.Layton, C.Berselli, J.M.Germano, H.Ferziger, J.Geiser, U.Piomelli, G.S.Winckelmans, W.C.Reynolds, H.A.Фукс, О.И.Хинце, Г.И.Марчук, М.Е.Берлянд, Е.П.Медников, В.В.Пененко, В.М.Белолипецкая, М.В.Меньшов, В.И.Наац, В.К.Аргучинцев каби хорижий олимларнинг ишларида ёритилган.

Ўзбекистонда атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси масалаларини ечиш учун математик моделлар ва сонли алгоритмларни ишлаб чиқиш муаммолари билан Ф.Б.Абуталиев, С.К.Каримбердиева, М.Л.Арушанов, Н.Равшанов ва бошқа олимлар ишларида ўрганилган.

Кўп йиллик статистик маълумотлар ва олимлар томонидан ишлаб чиқилган математик моделларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда атмосферадаги зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнларининг кўп ўлчовли кўринишдаги математик моделлари, зарарли моддаларнинг физик-механик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг тезликларининг вақтга нисбатан ўзгариши, қаралаётган худуднинг орографияси ва иқлим омиллари, шунингдек вақт ва фазовий ўзгарувчиларга нисбатан юқори тартибли аппроксимацияни қўллаш асосида самарали ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат университети илмий

тадқиқот ишлари режасининг «Амалий математика ва ахборот технологиялари масалаларини математик моделлаштириш» (2017-2020) мавзусидаги тадқиқот ишлари ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг БВ-Атех-2018-9 «Атмосфера ва сув ресурсларини техноген омилларидан ҳимоя қилиш масалаларини ечиш учун моделлар, тақсимланган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалар яратиш» (2018-2019) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат ҳудудлари ҳаво ҳавзаларининг экологик ҳолатини мониторинг қилиш ва башоратлаш учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуани ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атмосферада аэрозол заррачаларнинг тарқалиши жараёнини математик моделлаштириш муаммолари ҳолатини таҳлилдан ўтказиш ва уларнинг ечиш йўлларини излаш;

атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнига таъсир этувчи асосий омилларни, шу жумладан қаралаётган ҳудуднинг метеорологик шароитлари ва орографияси таъсирини тадқиқ қилиш;

заррачаларнинг физик-механик хусусиятларини ҳисоб олган ҳолда атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини мониторинг қилиш ва башоратлаш учун чизиқли ҳамда чизиқсиз математик моделларни ишлаб чиқиш;

атмосферада ва ернинг устки қатламида ифлослантирувчи заррачалар концентрацияси майдонининг тақсимланишини баҳолаш ва башоратлаш масаласини ечиш учун самарали сонли алгоритмлар ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш бўйича қарорларни қабул қилишни қўллаб қувватлашга йўналтирилган зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнини таҳлил қилиш ва башоратлаш масалалари бўйича компьютерда ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш учун дастурий мажмуани ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти саноат объектлари ва табиий ифлослантирувчи манбалардан ташланаётган зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва компьютерда сонли ҳисоблашлар ўтказиш учун дастурий мажмуалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти давомида ҳисоблаш математикаси, математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибалари усуллари, шунингдек дастурий мажмуалар ишлаб чиқиш учун объектга йўналтирилган дастурлаш технологиялари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

заррачаларнинг физик-механик хусусиятларини инобатга олган ҳолда атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини ифодаловчи чизиқли уч ўлчовли математик модель ишлаб чиқилган;

атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини ифлослантирувчи заррачаларнинг ўзгарувчан кўчиш тезлиги, қаралаётган ҳудуднинг об-ҳаво ва иқлим шароитлари ҳамда орографиясини инобатга олган ҳолда уч ўлчовли чизиксиз математик модели ишлаб чиқилган;

атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси масалаларини ечиш учун юқори аниқликдаги ошкормас чекли айирмалли схемага асосланган самарали сонли алгоритм ишлаб чиқилган;

атмосферада зарарли ташланмалар тарқалиши чизиксиз масаласининг физик хусусиятларига мос қисмларга ажратиш усулига асосланган самарали сонли ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

саноат ҳудудлари атмосферасига ташланаётган зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини ўрганиш, мониторинг қилиш ва башоратлаш учун математик аппарат ва дастурий мажмуа ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган дастурий мажмуа асосида Бухоро вилояти мисолида саноат ҳудудлари ҳаво ҳавзасининг экологик ҳолатини таҳлил қилиш ва башоратлаш учун сонли ҳисоблаш тажрибалари ўтказилган;

ишлаб чиқилган дастурий мажмуа саноат, ишлаб чиқариш объектлари атмосферасини мониторинг қилиш ва башоратлаш ёрдамида табиат ва атроф-муҳитнинг ҳимоясига қаратилган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва ишлаб чиқариш фаолияти давомида атмосфера ҳавосида санитария меъёрлари бузилган ҳолда тўланадиган жарималарни тўлаш учун молиявий харажатларни тежашга доир бошқарув қарорларини қабул қилишда ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши тенграмаси ва унинг чегаравий шартлари масса ва импульснинг кўчиши ва сақланиши қонунларига қатъий риоя қилиб шакллантирилгани билан изоҳланади. Сонли усуллардан фойдаланилганида аппроксимация аниқлиги ва ҳисоблаш жараёнининг яқинлашиш ва турғунлик шартлари етарли даражада таъминланган, олинган сонли натижалар табиат қонунларига зид эмас.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнининг янги математик моделларини иқлим омилларининг ўзгаришлари, турбулентлик ва ютилиш коэффицентлари, қаралаётган ҳудудларнинг орографияси ҳамда зарарли моддаларнинг физик ва механик хусусиятларига боғлиқ равишда уларнинг тезлиги ўзгарувчанлигини инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, юқори тартибли аппроксимациялашда вақт ва фазовий ўзгарувчиларга нисбатан физик омиллар бўйича мос қисмларга ажратиш ҳамда чекли айирмалли усуллар асосида самарали сонли алгоритмлар ишлаб чиқилганлигидан иборатдир.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти зарарли моддалар атмосферанинг чегара қатламида тарқалиши жараёнларини кузатиш ва башоратлаш, табиий ва сунъий манбалар томонидан атмосферага ташланаётган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини таҳлил

қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган экологик хавфни камайтириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун дастурий мажмуани ишлаб чиқишда ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат объектлари худудлари атмосфераси ҳаво ҳавзаларининг экологик ҳолатини мониторинг қилиш ва башоратлашнинг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуаси асосида:

атмосферага ташланаётган зарарли моддаларнинг вақтга нисбатан ифлослантирувчи заррачаларининг ўзгарувчан тезликларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг атмосфера ҳавосида тарқалиши жараёнини мониторинг қилиш ва башоратлаш, шунингдек, янги барпо этилаётган саноат объектларининг оптимал жойлаштирилиши билан боғлиқ қарорларни қабул қилишни қўллаб қувватлаш учун математик модель ва дастурий мажмуа Бухоро вилояти Экология ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятига жорий қилинган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотнома № 02-02/8-2738-сон, 19.11.2020 й.). Жорий қилиш натижасида атроф-муҳитнинг ҳимоясига қаратилган табиатни муҳофаза қилиш чоратадбирларини амалга ошириш, атмосфера ҳавосида максимал рухсат этилган концентрация меъёрлари бузилганлиги ҳақида ўз вақтида огоҳлантириш ҳисобига тўланадиган жарималарни тўлаш билан боғлиқ молиявий харажатларни тежаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган;

зарарли моддаларнинг атмосфера ҳавосида кўчиши ва диффузияси жараёнини таҳлил қилиш, кузатиш ва башоратлаш бўйича математик ва дастурий мажмуа Бухоро вилояти «МКМК-409» МЧЖ фаолиятига жорий қилинган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотнома № 02-02/8-2738-сон, 19.11.2020 й.). Жорий қилиш натижасида ноқулай метеорологик шароитларда ва объектнинг белгиланган ишлаш режимларида зарарли моддаларнинг ишлаб чиқариш объекти худудларида зарарли газлар, чанг ва канцероген моддалар концентрациясини башоратлаш аниқлиги 9-11% га оширилган;

заррачаларнинг тезлиги ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда атмосфера ҳавосида зарарли моддалар кўчиши ва диффузияси жараёнлари таҳлил қилиш, кузатиш ва башоратлаш бўйича математик ва дастурий мажмуаси “СНОRI MEGA MONTAJ” МЧЖ фаолиятига жорий қилинган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотнома № 02-02/8-2738-сон, 19.11.2020 й.). Жорий қилиш натижасида атмосферанинг чегара қатламида ва ер юзаси сатҳида цемент, чанг, қум ҳамда қозонхоналарда ёқиладиган углеводород ёқилғиси ёқилиши натижасида ҳосил бўладиган зарарли моддалар концентрациясини башоратлаш аниқлигини 8-10% га оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация иши натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, жумладан 4 та хорижий ва 7 та республика журналларида нашр қилинган, шунингдек 3 та ЭХМ учун яратилган дастурий маҳсулотларини қайд этиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос равишда долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш ҳолатлари, шунингдек, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнларини математик моделлаштириш ҳолати муаммолари ва унинг ечимлари**» деб номланган биринчи боби тўртта параграфдан иборатдир.

Биринчи параграфда атмосферанинг зарарли моддалар билан ифлосланиш манбалари, тавсифлари ва классификацияси келтирилган. Иккинчи параграфда атмосферада зарарли моддаларнинг тарқалиши жараёнини математик моделлаштириш усуллари ўрганилган. Учинчи параграфда атмосферанинг зарарли моддалар билан ифлосланиши жараёнининг математик моделлари таҳлили келтирилган. Бобнинг тўртинчи параграфда ушбу муаммо бўйича илмий манбаларни батафсил таҳлил қилиш асосида тадқиқот мақсади ва вазифалар белгиланган.

Диссертация ишининг «**Зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнларини мониторинг қилиш ва башоратлаш учун математик моделлар**» деб номланган иккинчи бобида атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини тадқиқ қилиш учун математик моделлар ишлаб чиқишга бағишланган.

Бошқа муаллифларнинг кўплаб тадқиқотларида зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиш жараёнини моделлаштиришда заррачаларнинг вақтга нисбатан ўзгарувчан тезликлари атмосфера ҳаво массасининг тезлигига тенглаштирилиб, ўзгармас катталик деб қаралган. Мазкур ишда ушбу омил ўзгарувчан катталик эканлиги ва у атмосферада зарарли моддалар тарқалиши жараёнининг муҳим параметри сифатида кўриб чиқилган.

Зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнида зарарли моддалар заррачаларининг йўналишларга мос тезликлари асосан

шамол тезлигига боғлиқ равишда ўзгаради. Демак, шамол таъсири турли хилдаги, яъни турли физик-механик хусусиятга эга бўлган заррача учун турлича таъсир этади. Ушбу кучнинг таъсирида заррачаларнинг тезликлари уларнинг физик-механик хусусиятлари асосида шаклланади. Зарарли моддалар заррачаларининг атмосфера ҳавосидаги ҳаракати уларнинг физик-механик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир заррача тури учун ҳаракат траекторияси турлича бўлади.

Келтирилган тахминларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур ишда қаралаётган заррачаларининг u_q, v_q, w_q йўналишлар бўйича тезликларини инобатга олган ҳолда гидромеханиканинг қонуни асосида ифодаланувчи кўп ўлчовли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ёрдамида атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиш ва диффузияси жараёнларини қуйидагича математик модели таклиф этилди:

$$\frac{\partial \theta}{\partial t} + u_q \frac{\partial \theta}{\partial x} + v_q \frac{\partial \theta}{\partial y} + w_q \frac{\partial \theta}{\partial z} + \sigma \theta = \mu \left(\frac{\partial^2 \theta}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \theta}{\partial y^2} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left(\kappa \frac{\partial \theta}{\partial z} \right) + \delta Q; \quad (1)$$

$$m \frac{du_q}{dt} = 3\pi\eta d(u - u_q); \quad (2)$$

$$m \frac{dv_q}{dt} = 3\pi\eta d(v - v_q); \quad (3)$$

$$m \frac{dw_q}{dt} = 3\pi\eta d(w - w_q) - mg \quad (4)$$

мос равишда бошланғич ва чегаравий шартлар:

$$\theta|_{t=0} = \theta^0; \quad u_q|_{t=0} = u_q^0; \quad v_q|_{t=0} = v_q^0; \quad w_q|_{t=0} = w_q^0; \quad (5)$$

$$-\mu \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=0} = \xi(\theta_g - \theta); \quad \mu \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \xi(\theta_g - \theta); \quad (6)$$

$$-\mu \frac{\partial \theta}{\partial y} \Big|_{y=0} = \xi(\theta_g - \theta); \quad \mu \frac{\partial \theta}{\partial y} \Big|_{y=L_y} = \xi(\theta_g - \theta); \quad (7)$$

$$-\kappa \frac{\partial \theta}{\partial z} \Big|_{z=0} = \beta \theta; \quad \kappa \frac{\partial \theta}{\partial z} \Big|_{z=H_z} = \xi(\theta_g - \theta). \quad (8)$$

Бу ерда θ - зарарли моддалар концентрацияси; u_q, v_q, w_q - зарарли моддаларнинг йўналишлар бўйича тезликларини ташкил этувчилари; u, v, w - шамолнинг йўналишлар бўйича тезликлари; d - заррачанинг диаметри; m - заррачанинг оғирлиги; η - динамик ёпишқоқлик коэффициенти; θ^0 - атмосфера ҳавосидаги зарарли моддаларнинг бошланғич концентрацияси; σ - атмосферадаги зарарли моддаларнинг ютилиш коэффициенти; δ - Дирак функцияси; g - эркин тушиш тезланиши; μ - диффузия коэффициенти; β - ер сатҳи билан таъсирлашиш коэффициенти; Q - манбаларнинг қуввати; κ - турбулентлик коэффициенти; ξ - ҳисоб чегараси орқали ташқи муҳит билан масса алмашинув коэффициенти; θ_g - масала ечими соҳасидан ташқаридаги зарарли моддаларнинг концентрацияси.

Шуни таъкидлаш керакки, (1)-(4) масалаларнинг қўйилишида ва уларга тегишли (5)-(8) бошланғич ва чегаравий шартлар асосида атмосферада ҳаво оқими таъсири натижасида зарарли моддаларнинг конвектив кўчиши, молекуляр ва турбулент диффузия ҳисобига атмосферада зарарли моддаларнинг тарқалиши, шунингдек, атмосфера ҳавосидаги намлик ҳисобига зарарли моддаларнинг ютилиши каби физик жараёнларни кўришимиз мумкин.

Зарраларнинг йўналишлар бўйича тезлигини аниқлашда атмосфера ҳавосида ҳаракатланаётган заррага таъсир этувчи унинг физик-механик хусусиятлари: оғирлиги, диаметри, ҳавонинг динамик ёпишқоқлиги ҳисобга олинган.

Шамолнинг юқори тезликларида зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини ифодалашда қаралаётган ҳудуднинг оргографияси, заррача зичлиги, атроф-муҳит ҳароратига боғлиқ равишда ўзгарувчи ҳавонинг зичлиги ва динамик ёпишқоқлик коэффициенти, эркин тушиш тезланиши, қаршилиқ кучи учун жисм шакли коэффициенти, радиуси ва ҳаво оқимининг кўтариш кучини ҳисобга олган ҳолда масаланинг уч ўлчовли қўйилишдаги чизиксиз математик модели ишлаб чиқилди:

$$\frac{\partial \theta}{\partial t} + u_q \frac{\partial(h\theta)}{\partial x} + v_q \frac{\partial(h\theta)}{\partial y} + w_q \frac{\partial(h\theta)}{\partial z} + \sigma h\theta = \mu \left(\frac{\partial^2(h\theta)}{\partial x^2} + \frac{\partial^2(h\theta)}{\partial y^2} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left(\kappa \frac{\partial(h\theta)}{\partial z} \right) + \delta Q; \quad (9)$$

$$m \frac{du_q}{dt} = c_f \pi r^2 \rho_a (u_q - U)^2; \quad (10)$$

$$m \frac{dv_q}{dt} = c_f \pi r^2 \rho_a (v_q - U)^2; \quad (11)$$

$$m \frac{dw_q}{dt} = -\frac{4}{3} \pi r^3 (\rho_q - \rho_a) g - k_f \mu_a \pi r w_q + F_n \quad (12)$$

бошланғич

$$\theta|_{t=0} = \theta^0; \quad u_q|_{t=0} = u_q^0; \quad v_q|_{t=0} = v_q^0; \quad w_q|_{t=0} = w_q^0 \quad (13)$$

ва чегаравий шартлар

$$-\mu \frac{\partial(h\theta)}{\partial x} \Big|_{x=0} = \xi h (\theta_s - \theta); \quad \mu \frac{\partial(h\theta)}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \xi h (\theta_s - \theta); \quad (14)$$

$$-\mu \frac{\partial(h\theta)}{\partial y} \Big|_{y=0} = \xi h (\theta_s - \theta); \quad \mu \frac{\partial(h\theta)}{\partial y} \Big|_{y=L_y} = \xi h (\theta_s - \theta); \quad (15)$$

$$-\kappa \frac{\partial(h\theta)}{\partial z} \Big|_{z=0} = \xi h (\beta \theta - Q_0); \quad \kappa \frac{\partial(h\theta)}{\partial z} \Big|_{z=H} = \xi h (\theta_s - \theta). \quad (16)$$

Бу ерда $U = \sqrt{u^2 + v^2 + w^2}$ - ҳаво оқимининг тезлиги; c_f - заррачаларнинг ҳаво оқимига қаршилиги коэффициенти; r - заррача радиуси; ρ_a - ҳавонинг зичлиги; ρ_q - қаралаётган заррачанинг зичлиги; k_f - қаршилиқ кучи учун жисм шакли коэффициенти; μ_a - ҳавонинг динамик ёпишқоқлик коэффициенти; F_n - ҳаво оқимининг кўтариш кучи; h - ҳудуд орографияси; Q_0 - ер сатҳидан кўтарилган заррачалар миқдори;

(10)-(12) тенгламалар заррачаларнинг вақт бўйича ўзгарувчан горизонтал ва вертикал тезликларини ифода этади. Заррачалар тезликларини ифода

этишда қаралаётган заррачанинг физик-механик хусусиятлари – унинг массаси, ҳаво оқимиға қаршилиги, радиуси, атроф-муҳит ҳароратига боғлиқ равишда ўзгарувчан ҳавонинг зичлиги каби параметрлар инобатга олинган. Шунингдек, ҳаво оқимининг кучини заррачаларға таъсирини инобатга олиш учун, ҳаво оқимининг тезлиги ҳам инобатга олинган.

(9) – (16) масалани (10) – (12) тенгламаларида заррачаларнинг горизонтал ва вертикал тезликлари таҳлил қилинган ишлардан фарқли равишда чизиксиз кўринишда ифодаланган.

Ушбу бобнинг охириги параграфида ишлаб чиқилган зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнини ифодаловчи чизиксиз математик модель асосида ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш учун, масалани физик мос хусусиятларға ажратилиб, масалани ечиш жараёни соддалаширилган.

(9)-(16) масалани сонли ечиш учун изланаётган ечимни бутун фазода силлиқ функция сифатида қабул қиланади. Атмосферада массаларнинг $t_n \leq t \leq t_{n+1}$ кичик вақт интервалида турли физикавий жараён: кўчиш, диффузия ва ютилишининг аддитивлигидан фойдаланган ҳолда, улар алоҳида масалалар деб қаралган.

Зарарли моддалар аралашмасининг йўналиш бўйича кўчиши жараёнини (А) масала сифатида қаралади:

$$\frac{\partial \theta_1}{\partial t} + u_q \frac{\partial (h\theta_1)}{\partial x} + v_q \frac{\partial (h\theta_1)}{\partial y} + w_q \frac{\partial (h\theta_1)}{\partial z} = \frac{1}{3} \delta Q; \quad (17)$$

$$m \frac{du_q}{dt} = c_f \pi r^2 \rho_s (u_q - U)^2; \quad (18)$$

$$m \frac{dv_q}{dt} = c_f \pi r^2 \rho_s (v_q - U)^2; \quad (19)$$

$$m \frac{dw_q}{dt} = -\frac{4}{3} \pi r^3 (\rho_q - \rho_s) g - k_f \mu_s \pi r w_q + F_n \quad (20)$$

бошланғич

$$\theta_1|_{t=0} = \theta_3^n; \quad u_q|_{t=0} = u_q^0; \quad v_q|_{t=0} = v_q^0; \quad w_q|_{t=0} = w_q^0 \quad (21)$$

ва чегаравий шартлар

$$-\mu \frac{\partial (h\theta_1)}{\partial x} \Big|_{x=0} = \xi h (\theta_s - \theta_1); \quad \mu \frac{\partial (h\theta_1)}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \xi h (\theta_s - \theta_1); \quad (22)$$

$$-\mu \frac{\partial (h\theta_1)}{\partial x} \Big|_{x=0} = \xi h (\theta_s - \theta_1); \quad \mu \frac{\partial (h\theta_1)}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \xi h (\theta_s - \theta_1); \quad (23)$$

$$-\kappa \frac{\partial (h\theta_1)}{\partial z} \Big|_{z=0} = \xi h (\beta \theta_1 - Q_0); \quad \kappa \frac{\partial (h\theta_1)}{\partial z} \Big|_{z=H} = \xi h (\theta_s - \theta_1). \quad (24)$$

Атмосферада зарарли моддаларнинг диффузияси жараёнини (Б) масала сифатида қаралади:

$$\frac{\partial \theta_2}{\partial t} = \mu \left(\frac{\partial^2 (h\theta_2)}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 (h\theta_2)}{\partial y^2} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left(\kappa \frac{\partial (h\theta_2)}{\partial z} \right) + \frac{1}{3} \delta Q; \quad (25)$$

мос бошланғич

$$\theta_2^0 = \theta_1^{n+1} \quad (26)$$

чегаравий шартлар

$$-\mu \frac{\partial(h\theta_2)}{\partial x} \Big|_{x=0} = \xi h(\theta_6 - \theta_2); \quad \mu \frac{\partial(h\theta_2)}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \xi h(\theta_6 - \theta_2); \quad (27)$$

$$-\mu \frac{\partial(h\theta_2)}{\partial y} \Big|_{y=0} = \xi h(\theta_6 - \theta_2); \quad \mu \frac{\partial(h\theta_2)}{\partial y} \Big|_{y=L_y} = \xi h(\theta_6 - \theta_2); \quad (28)$$

$$-\kappa \frac{\partial(h\theta_2)}{\partial z} \Big|_{z=0} = \xi h(\beta\theta_2 - Q_0); \quad \kappa \frac{\partial(h\theta_2)}{\partial z} \Big|_{z=H} = \xi h(\theta_6 - \theta_2). \quad (29)$$

Заррачаларнинг ҳаво массасида ютилиши жараёнини (В) масала сифатида қаралади:

$$\frac{\partial\theta_3}{\partial t} + \sigma h\theta_3 = \frac{1}{3} \delta Q; \quad (30)$$

мос равишда бошланғич

$$\theta_3^0 = \theta_2^{n+1} \quad (31)$$

ва чегаравий шартлар

$$-\mu \frac{\partial(h\theta_3)}{\partial x} \Big|_{x=0} = \xi h(\theta_6 - \theta_3); \quad \mu \frac{\partial(h\theta_3)}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = \xi h(\theta_6 - \theta_3); \quad (32)$$

$$-\mu \frac{\partial(h\theta_3)}{\partial y} \Big|_{y=0} = \xi h(\theta_6 - \theta_3); \quad \mu \frac{\partial(h\theta_3)}{\partial y} \Big|_{y=L_y} = \xi h(\theta_6 - \theta_3); \quad (33)$$

$$-\kappa \frac{\partial(h\theta_3)}{\partial z} \Big|_{z=0} = \xi h(\beta\theta_3 - Q_0); \quad \kappa \frac{\partial(h\theta_3)}{\partial z} \Big|_{z=H} = \xi h(\theta_6 - \theta_3). \quad (34)$$

Шундай қилиб, қўйилган кўп ўлчовли чизиқсиз масала (9)-(16) ни ечиш учун масалани физик хусусиятларга мос қисмларга – (17) - (24), (25) - (29) ва (30) – (34) масалалар ажратиб чиқилди ва бу масалаларни кетма-кет бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда чекли айирмалли усул ёрдамида ечиш мумкин.

Бобнинг якунида асосий хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнларини мониторинг қилиш ва башоратлаш масалаларининг сонли алгоритмлари» иккинчи бобда ишлаб чиқилган масалаларни ечишнинг самарали сонли алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган.

(1)-(8) масала уч ўлчовли дифференциал тенгламалар ва уларга мос равишда бошланғич ва чегаравий шарт билан берилганли сабабли, уни аналитик усулда ечиш мураккаблик келтириб чиқаради. (1)-(8) масалани ечиш учун сонли усуллардан фойдаланилди, яъни $D = \{0 \leq x \leq L_x, 0 \leq y \leq L_y, 0 \leq z \leq L_z, 0 \leq t \leq T\}$ соҳага тўр киритилди ва бу ерда T – ўрганилаётган вақт оралиғидаги максимал вақт, $[0, L_x]$, $[0, L_y]$ ва $[0, L_z]$ интервалларни Δx , Δy , Δz қадамлар билан, $[0, T]$ вақт оралиғини Δt билан бўлинди. Натижада, Ω_{xyzt} ҳисоблаш тўрига эга бўламиз:

$$\Omega_{xyzt} = \left\{ \left(x_i = i\Delta x, y_j = j\Delta y, z_k = k\Delta z, \tau_n = n \Delta t \right); \right. \\ \left. i = \overline{1, N}; j = \overline{1, M}, k = \overline{1, L}, n = \overline{0, N_t}, \Delta t = \frac{T}{N_t} \right\}.$$

Уч ўлчовли (1)-(8) масалани ечиш учун ошкормас чекли айирмали схемадан фойдаланиланиди ва (1) тенглама Ox йўналиш бўйлаб қуйидаги тарзда аппроксимация қилинади:

$$\begin{aligned} & \frac{\theta_{i,j,k}^{n+\frac{1}{3}} - \theta_{i,j,k}^n}{\Delta t / 3} + u_q^{n+\frac{1}{3}} \frac{\theta_{i+1,j,k}^{n+\frac{1}{3}} - \theta_{i,j,k}^{n+\frac{1}{3}}}{\Delta x} + v_q^{n+\frac{1}{3}} \frac{\theta_{i,j+1,k}^n - \theta_{i,j,k}^n}{\Delta y} + w_q^{n+\frac{1}{3}} \frac{\theta_{i,j,k+1}^n - \theta_{i,j,k}^n}{\Delta z} + \\ & + \sigma \theta_{i,j,k}^{n+\frac{1}{3}} = \mu \frac{\theta_{i-1,j,k}^{n+\frac{1}{3}} - 2\theta_{i,j,k}^{n+\frac{1}{3}} + \theta_{i+1,j,k}^{n+\frac{1}{3}}}{\Delta x^2} + \mu \frac{\theta_{i,j-1,k}^n - 2\theta_{i,j,k}^n + \theta_{i,j+1,k}^n}{\Delta y^2} + \\ & + \frac{\kappa_{z-0,5}\theta_{i,j,k-1}^n - (\kappa_{z-0,5} + \kappa_{z+0,5})\theta_{i,j,k}^n + \kappa_{z+0,5}\theta_{i,j,k+1}^n}{\Delta z^2} + \frac{1}{3}\delta_{i,j}Q; \end{aligned} \quad (35)$$

Ўхшаш ҳадларни ихчамлаб, соддалаштиргандан кейин (35) тенгламани уч диагоналли чизикли алгебраик тенгламалар системаси кўринишида ёзиш мумкин:

$$a_{i,j,k}\theta_{i-1,j,k}^{n+\frac{1}{3}} - b_{i,j,k}\theta_{i,j,k}^{n+\frac{1}{3}} + c_{i,j,k}\theta_{i+1,j,k}^{n+\frac{1}{3}} = -d_{i,j,k},$$

бунда тенгламанинг коэффициентлари ва озод ҳади қуйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади:

$$\begin{aligned} a_{i,j,k} &= \frac{\mu}{\Delta x^2}; \quad b_{i,j,k} = \frac{3}{\Delta t} - \frac{u_q^{n+\frac{1}{3}}}{\Delta x} + \frac{2\mu}{\Delta x^2} + \sigma; \quad c_{i,j,k} = \frac{\mu}{\Delta x^2} - \frac{u_q^{n+\frac{1}{3}}}{\Delta x}; \\ d_{i,j,k} &= -\left(\frac{3}{\Delta t}\theta_{i,j,k}^n - \frac{v_q^{n+\frac{1}{3}}}{\Delta y}\theta_{i,j+1,k}^n + \frac{v_q^{n+\frac{1}{3}}}{\Delta y}\theta_{i,j,k}^n - \frac{w_q^{n+\frac{1}{3}}}{\Delta z}\theta_{i,j,k+1}^n + \frac{w_q^{n+\frac{1}{3}}}{\Delta z}\theta_{i,j,k}^n + \frac{\mu}{\Delta y^2}\theta_{i,j-1,k}^n - \right. \\ & \left. - \frac{2\mu}{\Delta y^2}\theta_{i,j,k}^n + \frac{\mu}{\Delta y^2}\theta_{i,j+1,k}^n + \frac{\kappa_{k-0,5}}{\Delta z^2}\theta_{i,j,k-1}^n - \frac{\kappa_{k-0,5} + \kappa_{k+0,5}}{\Delta z^2}\theta_{i,j,k}^n + \frac{\kappa_{k+0,5}}{\Delta z^2}\theta_{i,j,k+1}^n + \frac{1}{3}\delta_{i,j,k}Q\right). \end{aligned}$$

Чегаравий (4) шартларни иккинчи тартибли аниқликдаги чекли айирмаларга алмаштирилиб, ҳайдаш коэффициентлари ва зарарли моддаларнинг чегарадаги қийматини ҳисоблаш формулалари олинади:

$$\begin{aligned} \alpha_{0,j,k} &= \frac{b_{1,j,k}\mu - 4\mu c_{1,j,k}}{a_{1,j,k}\mu - 2\Delta x\xi c_{1,j,k} - 3\mu c_{1,j,k}}; \quad \beta_{0,j,k} = \frac{-2\Delta x\xi\theta_{1,j,k} - d_{1,j,k}\mu}{a_{1,j,k}\mu - 2\Delta x\xi c_{1,j,k} - 3\mu c_{1,j,k}}; \\ \theta_{N,j,k}^{n+\frac{1}{3}} &= \frac{2\Delta x\xi\theta_{N-2,j,k} - \beta_{N-2,j,k}\mu - \alpha_{N-2,j,k}\beta_{N-1,j,k}\mu + 4\beta_{N-1,j,k}\mu}{\alpha_{N-2,j,k}\alpha_{N-1,j,k}\mu - 4\alpha_{N-1,j,k}\mu + 2\Delta x\xi + 3\mu}. \end{aligned}$$

Юқорида бажарилган технологияларни Oy ва Oz йўналишлари учун ҳам такрорланади.

(2)-(4) тенгламани ошкормас схемадан фойдаланган ҳолда чекли айирмали схемага ўтиб, u_q, v_q, w_q ни қийматини ҳисоблаш учун ҳар бир йўналиш бўйича қуйидаги ифодалар ҳосил қилинди:

Ox бўйича:

$$u_q^{n+\frac{1}{3}} = \frac{mu_q^n + \Delta t\pi\eta du}{m + \Delta t\pi\eta d}; \quad v_q^{n+\frac{1}{3}} = \frac{mv_q^n + \Delta t\pi\eta dv}{m + \Delta t\pi\eta d}; \quad w_q^{n+\frac{1}{3}} = \frac{mw_q^n + \Delta t\pi\eta dw - mg\Delta t / 3}{m + \Delta t\pi\eta d}.$$

Oy ва Oz йўналишлари бўйича худди шу тартибда u_q, v_q, w_q ни қийматлари топилади.

(9)-(16) кўп ўлчовли чизиксиз масалани ечиш учун иккинчи тартибли аниқликка эга ошкормас чекли айирмалли схемадан фойдаланилди. (9)-(16) масалани ечишдан олдин, заррачаларнинг x, y, z ўқлари бўйича ҳаракатларини ташкил этувчи u_q, v_q, w_q тезликлари (10)-(12) ни ошкормас схемадан фойдаланган ҳолда қуйидаги кўринишда ҳисобланади,

Ох бўйича:

$$u_q^{n+\frac{1}{3}} = \frac{3m}{3m - 2c_f \pi r^2 \rho_e \tilde{u} \Delta t + 2c_f \pi r^2 \rho_e U \Delta t} u_q^n - \frac{c_f \pi r^2 \rho_e \tilde{u}^2 \Delta t + c_f \pi r^2 \rho_e U^2 \Delta t}{3m - 2c_f \pi r^2 \rho_e \tilde{u} \Delta t + 2c_f \pi r^2 \rho_e U \Delta t};$$

$$v_q^{n+\frac{1}{3}} = \frac{3m}{3m - 2c_f \pi r^2 \rho_e \tilde{v} \Delta t + 2c_f \pi r^2 \rho_e U \Delta t} v_q^n - \frac{c_f \pi r^2 \rho_e \tilde{v}^2 \Delta t + c_f \pi r^2 \rho_e U^2 \Delta t}{3m - 2c_f \pi r^2 \rho_e \tilde{v} \Delta t + 2c_f \pi r^2 \rho_e U \Delta t};$$

$$w_q^{n+\frac{1}{3}} = \frac{9m}{9m + 3k_f \mu_e \pi r \Delta t} w_q^n - \frac{4\pi r^3 (\rho_n - \rho_e) g \Delta t - 3F_n \Delta t}{9m + 3k_f \mu_e \pi r \Delta t}.$$

Оу ва Оz йўналишлари бўйича худди шу тартибда u_q, v_q, w_q ни қийматлари топилади.

Сўнгра, (9) тенглама ва унинг чегаравий шартлари (14), (15), (16) лар Ох, Оу, Оz йўналишлари бўйича вақт ва фазовий ўзгарувчилар бўйича иккинчи тартибда аниқликда аппроксимацияланади. Натижада, ҳайдаш усули билан ечиладиган чизикли алгебраик тенгламалар системаси олинади.

Итерацион жараённинг яқинлашувчанлиги:

$$\left| u_q^{(s+1)} - u_q^{(s)} \right| < \varepsilon; \left| v_q^{(s+1)} - v_q^{(s)} \right| < \varepsilon; \left| w_q^{(s+1)} - w_q^{(s)} \right| < \varepsilon;$$

шарт ёрдамида текширилади ва бу ерда ε - талаб қилинаётган ечимнинг аниқлиги, s - итерациялар сони. Дастлабки итерация қиймати олдинги қатламдаги ечимга тенг деб олинади.

Умуман олганда барча ишлаб чиқилган алгоритмлар дала тажриба кўрсаткичлари билан етарли мосликни кўрсатди.

Диссертациянинг тўртинчи «**Зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузия жараёнларини мониторинг қилиш ва башоратлаш учун дастурий мажмуа яратиш**» бобида ишлаб чиқилган математик моделлар, самарали ҳисоблаш алгоритмлари асосида ишлаб чиқариш объектлари худудларининг ҳаво ҳавзаларини мониторинг қилиш ва башоратлаш масалалари учун дастурий мажмуа ишлаб чиқилган. Дастурий мажмуа Microsoft Visual Studio дастурлаш муҳити С# дастурлаш тилида яратилган. Ҳисоблаш тажрибалари натижаларини график кўринишда визуаллаштириш ILNumerics кутубхонасидан фойдаланилди.

Ишлаб чиқилган дастурий мажмуа қуйидаги дастурий модуллардан иборат:

- «PSV-Calc» модули зарарли моддалар заррачаларининг тезликларини дифференциал тенгламалар билан ифодаланувчи чизикли ёки чизиксиз кўринишини танлаб, уларнинг тезликларини аниқлаш имконини беради;

- «AIRMOD view» модули ишлаб чиқилган чизиқли ёки чизиқсиз кўринишдаги математик моделнинг сонли алгоритми асосида ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш имконини беради;

- «AirQ-MS» ҳисоблаш вақтини ва ҳисоблаш амаллари сонини камайтириш учун физик хусусиятларга мос қисмларга ажратиш усули ёрдамида ишлаб чиқилган самарали сонли алгоритм асосида ҳисоблаш тажрибасини ўтказиш имконини беради.

Қаралаётган ҳудуднинг орографиясини инобатга олган ҳолда зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнини тадқиқ қилиш учун ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди.


Ҳудуднинг орографиясини тавсифловчи h параметрни ҳисобга олган ҳолда зарарли моддалар концентрацияси атмосферанинг чегара қатламида нотекис тақсимланиши мумкин. Бунда, $h < 1$ бўлганда қаралаётган ҳудуддаги баландлик ва тепаликлар томонидан ҳаво оқими турли даражада блокланади (2-расм).

Агар, $h = 1$ бўлса, унда қаралаётган ҳудуд текистлик деб назарда тутилади ва бу ҳолда зарарли моддаларнинг концентрация майдони тенг тақсимланади (3-4 расмлар).


Олинган натижаларнинг график таҳлили атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнига асосан шамолнинг тезлиги ва йўналиши таъсир ўтказишини кўрсатди.

Ноқулай метеоролик шароитларда зарарли моддаларнинг РЭМК нинг ошиб кетишига, масалан шамолнинг жуда паст тезлиги ҳолатида ишлаб чиқариш объекти ва унинг атрофидаги ҳудудларда санитария муҳофаза қилиш чегараларини қайта кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин (3-расм, а).


Ўтказилган ҳисоблаш тажрибалари натижаларига кўра, зарарли моддалар заррачаларининг горизонтал ва вертикал тезликларига шамолнинг мос йўналишдаги тезликлари билан бир қаторда, қаралаётган зарарли модданинг физик-механик хусусиятлари (заррачанинг радиуси, зичлиги ва массаси ва бошқалар) ҳам катта таъсир ўтказишини айтиш мумкин.




1-расм. «AirQ-MS» дастурий мажмуаси интерфейсининг умумий кўриниши



2-расм. Атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини тадқиқ қилиш учун қаралаётган ҳудуд орографиясини инobatга олган ҳолда ҳисоблаш тажрибалари натижаси ($z=10$ м)



3 – расм. Олтингугурт оксиди (IV) зарарли моддасининг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнини шамолнинг турли тезликларида визуализация қилиш ($PЭМК=0,05$ мг/м³).



а) $z=300$ м;

б) $z=400$ м;

в) $z=500$ м;

4 – расм. Азот оксиди зарарли моддасининг атмосферада қўчиши ва диффузияси жараёнини визуализация қилиш

Ишлаб чиқилган математик таъминот ва дастурий мажмуа асосида олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмаларида фойдаланилиши мумкин.

ХУЛОСА

«Зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнини мониторинг ва башоратлаш учун чизиқсиз математик моделларни, ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги асосий натижалар олинган:

1. Зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузияси жараёнини математик моделлаштириш усулларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинди.

2. Атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини мониторинг қилиш ва башоратлаш учун атмосферага ташланаётган заррачаларнинг физик-механик хусусиятларини инобатга олувчи уч ўлчовли математик модель ишлаб чиқилди;

3. Атмосферада зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнини заррачаларнинг физик-механик хусусиятлари ҳамда қаралаётган ҳудуднинг орографиясини инобатга олган ҳолда мониторинг қилиш ва башоратлаш учун уч ўлчовли чизиқсиз математик модель ишлаб чиқилди;

4. Зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва диффузиясининг уч ўлчовли масалаларини ечиш учун вақт ва фазовий ўзгарувчиларга нисбатан иккинчи тартибли аппроксимация аниқлигини таъминловчи ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди.

5. Атмосферанинг чегара қатламида зарарли моддаларнинг концентрация майдонини физик омиллар бўйича ажратиш усули асосида вақт ва фазовий ўзгарувчилар бўйича ошқормас чекли-айирмалар схемасига асосланган иккинчи тартибли аппроксимацияни қўллаган ҳолда баҳолаш ва башоратлаш масалаларини ечиш учун сонли алгоритм ишлаб чиқилди.

6. Ўтказилган ҳисоблаш тажрибалари асосида зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши жараёнига таъсир этадиган асосий омиллар аниқланди. Хусусан, метеорологик (шамолнинг тезлиги ва йўналиши, атроф-муҳитнинг ҳарорати ва намлиги), қаралаётган ҳудуднинг орографияси, зарарли моддаларнинг физик-механик хусусиятлари каби омилларнинг таъсири аниқланди.

7. Диссертация ишининг натижалари Бухоро вилоятидаги саноат объектларида қўлланилиши натижасида ноорганик чанг зарралари ва ёниш маҳсулотларининг атмосфера чегара қатлами ва ернинг юза қисмидаги концентрацияси даражасини башорат қилиш тўғрилигини 8-11% га ошириш имкони берди. Ҳисоблаш тажрибалари натижалари тозалаш қурилмаларининг ўз вақтида таъмирланиши бўйича қарорлар қабул қилишни қўллаб қувватлашни таъминлаш ҳамда зарарли моддалар концентрациясининг санитар меъёри бузилиши билан алоқадор молиявий харажатларни 6-8% га камайтириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ШАФИЕВ ТУРСУН РУСТАМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА НЕЛИНЕЙНЫХ МАТЕМАТИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ,
ВЫЧИСЛИТЕЛЬНЫХ АЛГОРИТМОВ ДЛЯ МОНИТОРИНГА И
ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ПРОЦЕССА ПЕРЕНОСА И ДИФФУЗИИ В
АТМОСФЕРЕ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/T1119.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Равшанов Нормакмад**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Садуллаева Шахло Азимбаевна**
доктор технических наук, доцент

Тургунов Абдоржон Махаматсолиевич
доктор философии по техническим наукам

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «26» июня 2021 г. в 9⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Ташкентский университет информационных технологий. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №206). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «14» июня 2021 года.
(реестр протокола рассылки №17-от «10» июня 2021 года.)



Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, профессор

Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, доцент

Ш.А. Садуллаева
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире большое внимание уделяется вопросам разработки математических моделей, эффективных численных алгоритмов и программных комплексов, ориентированных на поддержку принятия решений по защите окружающей среды от негативного влияния антропогенных выбросов. Особый теоретический и практический интерес вызывают задачи мониторинга процесса переноса и диффузии вредных веществ в атмосфере промышленных регионов, оценки и прогнозирования распределения концентрации вредных веществ в атмосферном воздухе с учётом фонового загрязнения, погодноклиматических условий и орографических характеристик рассматриваемых территорий. В этой связи, в таких индустриально развитых странах мира как США, Германия, Франция, Китай, Индия, Российская Федерация и других, проблемы мониторинга и прогнозирования процесса переноса и диффузии вредных веществ в атмосфере неизменно являются актуальными.

В мире ведущие научные школы проводят исследования в области разработки математических моделей и вычислительных алгоритмов для изучения закономерностей процесса переноса и диффузии вредных веществ в атмосфере. В этих исследованиях рассматриваются основные факторы, действующие на процесс, в том числе, параметры интенсивности воздушных потоков, температура окружающей среды, скорость перемещения частиц с учетом их физико-механических свойств, ветровая эрозия, характерные погодноклиматические условия рассматриваемой местности.

В Республике Узбекистан предпринимаются широкомасштабные меры в целях предотвращения нарушений экологического баланса существующих экосистем, вызванных загрязнением атмосферы со стороны естественных и антропогенных источников. В частности, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. определены такие задачи как «...обеспечение экологической безопасности проживания людей, ... предотвращение экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды, здоровью и генофонду населения, ... создание действенных механизмов решения экологических проблем, возникающих в регионах, ... разработка единой системы прогнозирования и мониторинга вероятности чрезвычайных ситуаций природного, техногенного и экологического характера»¹, что свидетельствует об особом внимании, уделяемом вопросам экологии и охраны окружающей среды. Реализацию вышеуказанных задач, сегодня, невозможно представить без разработки адекватных математических моделей процесса распространения вредных веществ в атмосфере с учетом различных факторов влияния, эффективных вычислительных алгоритмов оценки и прогнозирования экологической

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

нагрузки, а также автоматизированных систем, направленных на поддержку принятия управленческих решений по природоохранным мероприятиям.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению целей и задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 21 апреля 2017 года №УП-5024 «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 10 октября 2018 года №3956 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 26 ноября 2018 года №958 «О мерах по дальнейшему развитию научно-исследовательской базы в сфере экологии и охраны окружающей среды» и другими нормативно-правовыми документами.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Фундаментальные аспекты методологии математического моделирования процесса ближнего и дальнего транспорта загрязнителей в пограничном слое атмосферы нашли отражение в работах таких зарубежных ученых как L. Thaning, E. Naslund, W.J. Layton, C. Berselli, J.M. Germano, H. Ferziger, J. Geiser, U. Piomelli, G.S. Winckelmans, W.C. Reynolds, Н.А. Фукс, О.И. Хинце, Г.И. Марчук, М.Е. Берлянд, Е.П. Медников, В.В. Пененко, В.М. Белолипецкая, М.В. Меньшов, В.И. Наац, В.К. Аргучинцев и других.

